ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ЧИРАКЧИНСКОГО
РАЙОНА

2020 йил “31” март ҲҚ-646/03-сон **Чироқчи шаҳри**

Чироқчи туманида дам олиш кунларида аҳоли учун ярмаркаларни ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларига мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркаларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чироқчи туманидаги фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ярмаркалар ўтказиш бўйича берган тақдимномаларини инобатга олиб, “Чироқчи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ ҳудудида ҳар шанба ва якшанба кунлари соат 07-00 дан 17-00 гача ярмаркалар ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши;

ярмаркалар ҳудудида тадбиркорлар учун савдо ўринларининг бепул берилиши

ярмалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини–ўзи бошқариш органи томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила

аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома);

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. “Чироқчи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ маъмурияти:

ярмаркалар ташкил этиш учун бозорнинг аҳоли учун қулай бўлган қисмидан, бозорнинг савдо майдонининг 5 фоизидан кам бўлмаган махсус жойлар ажратилишини;

ярмаркалар учун ажратилган ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини;

ярмаркалар ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин ва бозорнинг кириш жойларига эълонлар жойлаштиришни ташкил этилишини инобатга олсин.

5. Туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Усмонов) ҳар якшанба кунлари ярмаркалар ташкил этиш учун жой ажратилаётганлигини ҳамда ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши ҳамда ярмаркаларда товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назорат қилсин.

6. Қашқадарё вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат бошқармаси Чироқчи туман филиали: ярмаркаларда сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси: бозор ҳудудида ярмаркалар ўтказиладиган кунда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор “Чироқчи” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг “chiroqchi.uz” расмий веб–сайитига жойлаштирсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Бобоқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.Джураев**

KANSELYARIYA BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI